

31.01.2022 йил

\_\_\_\_\_урғенч ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги Уринларда - Компания ) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/33 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Хорезм филиали директори Самандаров Ахмаджон Султанович (кейинги уринларда-Оператор) бир томондан ва Ургенч шаҳар ХТБ номидан Устав (Низом, руйхатга олинганлик тугрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ургенч шаҳар ХТБ (кейинги уринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги Уринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар курсатилиши буйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги уринларда Шартнома) туздилар:

## 1. Шартнома предмети

### 1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистан Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тугрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги уринларда - Оферта) шартлари билан тулик танишиб чиқсанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши тугрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан курсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактш тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз қабул қилиши (акцептини) ҳдсобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сунг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, уз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширилади.

### 3. Ҳисоб-китоб ва туловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилди ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни уз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови 100 ( бир юз) фоиз микдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тулови олдиндан тулов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйица) курсатилган микдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ курсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.  $j \sim l$ .

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 2250000 (Икки миллион икки юз эллик минг сумми) сумми ташкил этади. Ушбу сумма 750000 ( Етти юз эллик минг ) сум микдоридаги Абонент туловини ҳамда —( ) микдоридаги бир марталик туловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар Уртасида имзоланган кУшимча келишув/тавдим этилган ҳисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада курсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини утказиш йули билан Оператор томонидан курсатилган хизматлар хақини тупайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамиди хизматлар курсатиш учун етарли маблағ булмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида курсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура буйича тулов амалга оширилмаган булса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар курсатилишини тухтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тухтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қурилишида реклама ақиялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9, Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан йпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг ту.ч.к календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича р эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар легишли тарзда курсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлигини тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10, Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хата асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда узро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар Уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судга қўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида уз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар қўрилмаганлиги ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироз билдириш ҳолда, узро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини қўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган қўриқ/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф қўрилишидаги мурожаати қабул қилинган 30 (утгаз) кун давомида қўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни қабул қилиш учун 15 (Ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқини Қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар Уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 \_\_\_\_\_ йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сунг, Томонлар <бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таътиқ этилмайди> Уш шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_\_\_\_\_ йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта қабул қилиниши (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этилади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) узгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг узгариши ва бошқа узгаришлар рун берган тақдирда, Шартнома уз кучида қолади. Томонлар бундай узгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;"><b>ОПЕРАТОР:</b> "Ўзбектелеком" АҚ Хоразм филиали</p> <p>Манзил: Урганч ш., Аль-Беруний к., 1 - уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838423 СТИР: 203366731 МФО: 00401 АТБ "Алокабанк" Тел: 1155 E-mail: _____</p>	<p style="text-align: center;"><b>АБОНЕНТ:</b> Урганч шаҳар ХТБ</p> <p>Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Тараккёт (Йўлдош Бобононов) кўчаси, уй. 7 Банк маълумотлари: х/р: 23402000300100001010 x/p : 100022860334017096300075004 СТИР: 201651086 МФО: 00014 Банк номи: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ Тел: 2 2 8 - 10 - 6 8 E-mail: _____</p>
<p>Оператор номидан:</p> <p style="text-align: center;"> /имзо/</p> <p style="text-align: center;"></p> <p style="text-align: center;">Самандаров Аҳмаджон Султайевич</p>	<p>Абонент номидан:</p> <p style="text-align: center;">_____ /имзо/</p> <p style="text-align: center;">м.ф.</p> <div style="text-align: right;"></div>

**Курсатилган хизматлар**

**1. Хизматлар руйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Улчов бирлиги - Миллий валюта (сум)

т/р	Хизматлар номи	ККС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ККС билан Тулов микдори, (сумда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик туловлар</b>					
<b>II. Хар ойлик абонент туловлари</b>					
2.1	Абонентская плата за Corporate-4	350,000.00	Прейскурант	1	350,000.00
2.2	Абонентская плата за Corporate-3	300,000.00	Прейскурант	1	300,000.00
Жами (олдиндан тулов)					750,000.00

Жами олдиндан тулов микдори 750,000.00 сум, шу жумладан, КК,С 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 750,000.00 сумни ташкил этади. Ундан 750,000.00 сум микдорида ойлик абонент тулови хдмда 0.00 сум бир мартабалик уланиши учун руйхатга олиш тулови. Шартнома буйича тулов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун туловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:  
"Ўзбектелеком" АК  
Хоразм филиали

АБОНЕНТ:  
Ургенч шаҳар ХТБ

**8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

<p><b>ОПЕРАТОР:</b> "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали</p> <p>Манзил: Урганч ш., Аль-Беруний к., 1 - уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838423 СТИР:203366731 МФО:00401 АТБ "Алокабанк" Тел: 1155 E-mail: _____</p>	<p><b>АБОНЕНТ:</b> Ургенч шаҳар ХТБ</p> <p>Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Ургенч шаҳри, Тараққиёт (Йўлдош Бобононов) кўчаси, уй. 7 Банк маълумотлари: х/р: 23402000300100001010 х/р: 100022860334017096300075004 СТИР:201651086 МФО:00014 Банк номи:ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ Тел: 2 2 8 - 1 0 - 6 8 E-mail: _____</p>
<p>Оператор номидан:</p> <p> /имзо/ Самандаров Ахмаджон Султанович</p> 	<p>Абонент номидан:</p> <p>_____ /имзо/ м.ф.</p> 